

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 24 куни жиноят ишлари Пайариқ туман судининг суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Э.Ш.Олмосов, судья ёрдамчиси С.А.Ҳамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Қ.Хидоятлов, жабрланувчилар О.Дагаров, Н.Куванов, О.Раҳмонов ва судланувчи Ф.Эгамкулов ҳамда унинг ҳимоячиси “Нимова устуворлиги” адвокатлик бюроси адвокати А.Худайбердиевнинг иштирокида, судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга нисбатан 1-1412-2601/21-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Эгамкулов Фазлиддин Хасанович (Egamkulov Fazliddin Hasanovich), 1985 йил 20 майда Самарқанд вилояти Пайариқ туманда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2022 йил 1 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 62-моддаси қўлланиб, ҳар ойлик иш ҳаққининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой 6 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2023 йил 25 сентябрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси билан ўталмай қолган 1 йил 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатидан илгари шартли озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини “Ўртасайдов” қишлоғида яшайди, иш бўйича жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2025 йил 16 июль кунги ажрими билан сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 2025 йил 22 декабрда Пайариқ шаҳрида ушланиб, Пайариқ туман ИИБ ВСХга жойлаштирилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2026 йил 14 январда олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувини, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович хавфли рецидивист бўлиб, ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил куз ойида Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Дагаров Фаррух Анорбоевичнинг яшаш уйида учрашиб, яшаш уйи ҳовлисида ўзига тегишли бўлган жами 20 сотих ер майдонини жами 85.000.000 сўмга сотишга келишиб, келишилган пуллардан 81.000.000 сўм нақд пулларни



фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга эришиб, 20 сотих ер майдонини Дагаров Фаррух Анорбоевичнинг номига бир ой муддат ичида расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, ваъда қилган муддатда ерни расмийлаштириб бермасдан, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган жами 81.000.000 сўм пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Ф.Эгамкулов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил февраль ойида Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Куванов Навруз Нарзуллаевичнинг яшаш уйида учрашиб, унинг ишончига кириб, унга тегишли бўлган “Нексия-3” русумли 30 W 954 GB давлат рақам белгили автомашинасини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 99.155.749 сўмга тенг бўлган 7700 АҚШ доллариغا сотиб олишга келишиб, келишув вақтида Куванов Навруз Нарзуллаевичга Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 38.632.110 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари пулларни бериб, қолган пулларни 2025 йил апрель ойига қадар беришни ваъда қилиб, “Нексия-3” русумли 30 W 954 GB давлат рақам белгили автомашинасини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритиб, пулларни ваъда қилган муддатда қайтариб бермасдан, автомашинани дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган учинчи шахсларга сотиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган нақд пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шунингдек, Ф.Эгамкулов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил февраль ойида Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Куванов Навруз Нарзуллаевичнинг яшаш уйида учрашиб, унинг ишончига кириб, унга тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 30 Y 467 GB давлат рақам белгили автомашинасини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 70.825.535 сўмга тенг бўлган 5500 АҚШ доллариغا сотиб олишга келишиб, келишув вақтида Куванов Навруз Нарзуллаевичга Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 51.509.480 сўмга тенг бўлган 4.000 АҚШ доллари пулларни бериб, қолган пулларни 2025 йил апрель ойига қадар беришни ваъда қилиб, “Нексия-2” русумли 30 Y 467 GB давлат рақам белгили автомашинасини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритиб, пулларни ваъда қилган муддатда қайтариб бермасдан, автомашинани дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган учинчи шахсларга сотиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган нақд пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Ф.Эгамкулов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил апрель ойида Қўшрабод тумани “Бойтуп” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғли билан Пайариқ тумани Челақ шаҳрида учрашиб, Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлининг ишончига кириб, Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлига тегишли бўлган “Ласетти” русумли D 162 QB давлат рақам белгили автомашинасини Ўзбекистон Республикаси



миллий валютасида 139.972.104 сўмга тенг бўлган 10.800 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, келишув вақтида Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 51.841.520 сўмга тенг бўлган 4.000 АҚШ доллари пулларни бериб, қолган пулларни 2025 йил октябрь ойига қадар беришни ваъда қилиб, “Ласетти” русумли 30 D 162 QV давлат рақам белгилли автомашинасини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритиб, пулларни ваъда қилган муддатда қайтариб бермасдан, автомашинани гаров сифатида қўйиб, бунинг эвазига 55.000.000 сўм пулларни нақд пул шаклида фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга эришиб, қўлга киритган нақд пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шу билан бирга, Ф.Эгамкулов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил куз фаслида Пайарик тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Дагаров Фаррух Анорбоевичга ўзи томонидан ҳарид қилиниб таъмирланган “Ласетти” русумли автомашинасини ўзи бошқариб юришини айтиб, ундан бозор баҳоси 6.500 АҚШ долларига тенг бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини олиб кетиб, ушбу автомашинани тергов давомида шахси аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 4.000 АҚШ доллари эвазига сотиб юбориб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи Ф.Эгамкулов судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, у Дагаров Фаррух Анорбоевичдан 2022 йилда 81.000.000 сўм миқдорида пул қарзга олганлигини, унга шу вақтида олдиндан келаётган бир қанча қарзлари борлигини, у шу сабабли қарзларини ёпиш мақсадида қарзларини тўлаш учун Дагаров Фаррух Анорбоевичдан қарз олгани, Дагаров Фаррух Анорбоевичдан қарзларни нақд пулда ўзининг маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида мактаб ёнида бўлиб-бўлиб бир неча маротаба майдалаб олганлигини, ушбу пулларни қарзларига берганидан сўнг у Дагаров Фаррух Анорбоевичга пулни ўз вақтида қайтариб беролмаганлигини, Дагаров Фаррух Анорбоевичдан пулларни 6 ой ичида қайтариб беришини ваъда қилиб олганлигини, Дагаров Фаррух Анорбоевичга ўз вақтида пулларни қайтариб беролмаганидан сўнг унга пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, Дагаров Фаррух Анорбоевич у билан бир партада ўтириб катта бўлган синфдоши ҳисобланишини ва шу сабабли у ундан қарз олганлигини, ушбу қарзларни ўз вақтида қайтариб беролмаганидан сўнг у унга қарзларини қайтариш муддатини 1 йил муддатга чўзиб берганлигини, у бир йил давомида унинг пуларини қайтариб беролмаганлигини, шу йили ҳосил яхши бўлмаганлиги сабабли Дагаров Фаррух Анорбоевичга қарзларини ўз вақтида қайтариб беролмаганлигини, Дагаров Фаррух Анорбоевич ундан қарзларни тинмасдан сўрашни бошлаганлигини, унинг уйига қарз олган одамлари жанжал қилиб кела бошлашганлигини ва ундан пулларни қайтариб беришини сўраган вақтида, у таниши Куванов Навруз Нарзуллаевичдан “Нексия 2” русумли автомашинасини 5.500 АҚШ долларига ҳисоблаб сотиб олиб, автомашинани 4.000 АҚШ долларига сотиб юборгани, у Куванов Навруз Нарзуллаевич билан автомашина савдосида шериклигини ва



шу вақтида улар бирга Самарқанд туманида жойлашган автомашина бозорида бирга автомашина олди-сотдиси билан шуғулланиб келганлигини, Куванов Навруз Нарзуллаевич шу сабабли унга Нексия-2 русумли автомашинани унга берганлигини, у ушбу автомашинани 4.000 АҚШ долларига ҳисоблаб сотиб юбориб, пулларни 500 АҚШ долларини Дагаров Фаррух Онорбоевичга бериб келганлигини, қолган 3.500 АҚШ доллари пулларни эса Куванов Навруз Нарзуллаевичга бир қисмини бўлиб-бўлиб бориб ўзидан пул кўшиб 4.000 АҚШ доллари пул бериб келганини, Куванов Навруз Нарзуллаевичга автомашинани аслида 5.500 АҚШ долларига сотолмагани ва 4.000 АҚШ долларига сотганлигини айтмасдан, унга автомашинани 5.500 АҚШ долларига сотганлигини айтганлигини, шу вақтида Куванов Навруз Нарзуллаевичдан 1.500 доллари қолганлигини ва у ушбу пулларни беришни ваъда берганлигини, шу ҳисобда у яна қарзлари қолиб кетганлигини, Куванов Навруз Нарзуллаевич билан бирга савдо вақтида “Нексия 3” русумли автомашинасини ҳам сотишга келишиб, ундан автомашинани 7.800 АҚШ долларига сотишга келишиб, автомашинани жами 7.700 АҚШ долларига сотиб юборганини, автомашинани 7.700 АҚШ долларини 4.000 АҚШ долларини Куванов Навруз Нарзуллаевичга бериб, олдиндан бўлган қарзлари учун қолган 3.700 АҚШ долларини қоплаганини, Куванов Навруз Нарзуллаевичдан ҳозирги кунда 4.500 АҚШ доллари қарзлигини, 2025 йил апрель ойида Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғли унга ўзига тегишли бўлган “Жентра” русумли автомашинани сотишини айтганлигини ва у Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғли билан автомашинани ўзаро савдолашиб, 9.800 АҚШ долларига сотиб олишга келишганлигини, шу вақтида унда бунча пул йўқлиги сабабли автомашинани бошланишига 5.000 АҚШ доллари пул беришга ва қолган қисмини автомашинани ўзини номимга ўтказиб, автомашинани кредит қилиб олиб беришига келишганлигини, шу вақтида автомашинани қолган пуллрини уни турмуш ўртоғи номига кредит олиб, ушбу автомашинани қолган пулларини уни ўзи тўлаб келишини айтганлигини, Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғли бунга рози бўлганлигини ва автомашинани унга топширганлигини, орадан тахминан 10 кун вақт ўтганидан сўнг автомашинани Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлининг номига расмийлаштириб, автомашинани ҳужжатларини тайёрлаганлигини, шу вақтида Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлининг муомаласи ўзгариб унга автомашинани ўзига қайтариб олишини ва у унга агарда устига яна 2.000 АҚШ доллари миқдорида пул берса унга автомашинани сотишини айтганлигини, у бунга рози бўлмаганидан сўнг автомашинани ундан олиб кетганлигини, у шу вақтида бир неча маротаба Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғлидан автомашинани унга қайтарб беришини ва автомашинани ўзи бошқариб боришини, кредитларни ўзи тўлаб келишини айтганлигини, шу вақтида Рахмонов Одилжон Абдирасул ўғли унга автомашинани қайтариб бермаслигини, ундан олган 55.000.000 сўмни қайтариб беришини, кредитни масаласида ҳам сўраган вақтида у унга индамасдан кетганлигини, шу билан у минусга кириб кетганлигини ва кредитларни ҳам тўланмасдан қолганлигини, у



ган ишидан афсусдалигини ва пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний иллик бериши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Ф.Эгамкулов суд терговда айбига қисман иқдорлик билдирган бўлса-да, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган жабрланувчилар ва иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган жабрланувчи Дагаров Онарбой Давлатовичнинг, уни ўғли Дагаров Фаррух Онорбоевични синфдош ўртоғи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович автомашина олди бердиси билан шуғулланишини, шу орада Эгамкулов Фазлиддин Хасановичнинг ишлари орқага кетиб, ўғлидан қарз сўраган эканлигини, 2020 йилнинг охирларида ўғли Ф.Дагаров унга дастлаб 2000 АҚШ доллари миқдорда қарз берганлигини, қарз олди бердиси бўйича ҳеч қанақа ҳужжат қилишмаганлигини, оғзаки тарзда қарз олди бердиси тузишганлигини, кейин Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ушбу қарзларни бермасдан қочиб юрганлигини, 2021 йил декабрь ойида эса яна бир бош қорамолини 6 миллион сўмга нархлаб олиб кетганлигини, ушбу пулларни ўғли Ф.Дагаровга берган бермаганидан хабари йўқлигини, шундан кейин 2022 йил январь ойида ўғли Ф.Дагаров синфдоши Эгамкулов Фазлиддин Хасановичдан қарзини қайтаришини сўраганлигини, у эса ҳозирда пули йўқлиги, лекин пул ўрнига яшаш хонадонининг томорқасининг ярми 20 сотих жойини сотиб олишини таклиф қилганлигини, Эгамкулов Фазлиддин Хасанович унга томорқасини кўрсатиб, томорқасининг шарқ тарафидан ярмини 6 қатор боғ экилган жойидан ер ўлчаб беришини айтганлигини, шу ерда у билан ушбу жойни сотиб олиш учун савдолашганлигини, у билан жами 85 миллион сўмга ушбу жойни нархлаб келишганлигини, қарздан қолган пулларни ҳам ушбу жойни олишга келишган пулга кўшиб ҳисоблашга келишганлигини, келишилган пулдан унинг қарзини айириб ташлаб ҳисоблаганда 81 миллион сўм қолганлигини, 81 миллион жой олиш учун ҳам пул берганлигини, лекин ушбу жойни ҳеч қандай ҳужжат қилмаганлигини, ушбу пулдан қолган 4 миллион сўмни эса жойни ҳужжатлаштиргандан кейин бермоқчилигини, улар у билан томорқасидаги жойдан 20 сотих жой беришига рози бўлиб оғзаки келишганлигини, олди-берди бўйича ҳеч қандай ҳужжат ҳам қилмаганлигини, у ҳам уларга ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилмаганлигини, шундан сўнг 2022 йил март ойида Эгамкулов Фазлиддин Хасановичнинг устидан жиноят иши очилиб, судга қадар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганлигини, уйига борган вақти Эгамкулов Фазлиддин Хасановичнинг ота-онаси унга ўғли қамоқдан келса ерни ўлчаб беришини айтганлигини, отаси Эгамкулов Хасаннинг ўзи ҳам ундан 81 миллиондан 37 миллионини ўзи олиб қолганлигини, қолганини ўғли Эгамкулов Фазлиддин Хасанович олганлигини, Эгамкулов Фазлиддин Хасанович 2022 йил июнь ойида қамоқдан чиқиб келиб, ўғлига ерни бермайман, олган қарз пулларини қайтариб бераман деб айтганлигини, ушбу пулларни боғни ҳосилидан қилиб беришини айтганлигини, шундан сўнг у унга 81.500.000 сўм жами миқдорда 15 миллион сўм қайтарганлигини орада, боғни ҳосилини олгандан сўнг яна қарзни сўраб борганида эса ҳосил яхши бўлмади деб пулларни беролмайман деб, бермасдан келганлигини, шундан кейин 2023 йил қизига машина олиб бермоқчилигини, ўғлини синфдоши Эгамкулов Фазлиддин Хасанович эса унга машина олиб бера олишини айтганлигини,



кейин қизидан пул олганлигини, кейин Эгамкулов Фазлиддин Хасанович яна ўғлидан машина олиб бераман деб 4.500 АҚШ доллари олиб, оқ рангли Ласетти олиб келганлигини, у машина эса жуда эскилигини, уни ўғли ўзи созлаб бир қанча вақт миниб юрганлигини, Эгамкулов Фазлиддин Хасанович келиб ушбу Ласеттини ўғлидан миниб туришга сўраб, олиб кетганлигини, орада Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳайдаб юрган вақтда айтиши бўйича бошқа одамдан қарзи борлиги учун Ласеттини олиб қўйди деб айтганлигини, кейин 2024 йил май ойида ушбу Ласеттини стаянкадан чиқариш кераклигини айтганлигини, кейин Эгамкулов Фазлиддин Хасанович унга ушбу Ласеттини стаянкадан чиқариш кераклиги, эгаси қамалиб қолгани, уни чиқариш учун эса яна пул кераклигини, ўша эгасини кредити борлигини айтганлигини, шу сабаб ундан яна алдаб 1.500 АҚШ доллари олганлигини, яна кредити бор деб анча вақт машинани чиқариб олмаганлигини, кейин машина ҳам пуллар ҳам йўқ бўлганлигини, Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ундан жами миқдорда 66.500.000 сўм ва 6.000 АҚШ доллари миқдорда пулларни олганлигини ва ҳозирга қадар бермасдан келганлигини, шу сабабли фуқаро Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга нисбата қонуний чора кўришни, унга Эгамкулов Фазлиддин Хасановичдан пулларини олишида амалий ёрдам беришни сўраганлиги ҳақидаги;

- судда сўралган жабрланувчи Куванов Навруз Нарзуллаевичнинг, уни синфдош ўртоғи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович автомашина олди бердиси шуғулланиб келишини, шундан сўнг у унга ҳам автомашина олди-бердиси билан шуғулланиши учун таклиф қилганлигини, у унга рози бўлганлигини, шундан кейин Эгамкулов Фазлиддин Хасанович унга автомашина топиб берганлигини, у бориб автомашина куриб сотиб олганлигини, Эгамкулов Фазлиддин Хасанович эса ушбу автомашиналарни олди-сотдисини қилиб берганлиги учун ўртада икки томондан ҳам пул олиб турганлигини, 2025 йил январь ойида 30 467 GB “Нексия-2” русумли автомашинасини Иштихон тумани Митан шаҳридан сотиб олганлигини, ушбу автомашинани шу январь ойининг ўзида Тойлоқ туманига Абдураходов Илхом исмли фуқарога 5.300 АҚШ долларига сотганлигини, бошидан 2.000 АҚШ доллари бериб қолган қисмини 2 ой давомида бериши кераклигини, 2025 йил март ойида И.Абдураходов пули йўқлиги сабабли 1.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бера олманлиги сабабли яна 3 ой муддат сўраганлигини, орадан келишилган муддат ўтиб сўраса, Ф.Эгамкулов ушбу 1.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулни 3 ой муддат ўтмасдан олиб, И.Абдураходовнинг номига автомашинани расмийлаштириб бериб юборганлигини, у “Нексия-2” автомашинасини асл эгасидан бу ҳолатни сўраб билганидан сўнг Ф.Эгамкуловга келиб айтса, Ф.Эгамкулов 1.500 АҚШ доллари пулни олганлигини тан олмаганлигини, 2025 йил тахминан февраль ойларида у Ф.Эгамкулов билан биргаликда Фитрат маҳалласида яшовчи Фарход акадан 7.200 АҚШ долларига “Нексия-3” автомашинасини сотиб олиб, Нуробод тумани Улус қишлоғида яшовчи 1961 йилда туғилган Жўрабеков Хайруллага 7.700 АҚШ долларига сотганлигини, Х.Жўрабековдан бошидан 00 АҚШ доллари олиб 2025 йил 1 май куни қолган 4.700 АҚШ долларини олиб автомашинани уни номига расмийлаштириб бериши кераклигини,



келишилган муддат келган вақти “Нексия-3” автомашинаси эгасининг қарзи борлиги учун ҳужжат расмийлаштириб бера олмаганлигини, бундан ташқари 2025 йил май ойида Ф.Эгамқулов ундан 300 АҚШ доллари миқдорида пул олиб ўзининг қарзини тўлашини, иши терговда эканлиги, пул тўламаса қамалишини айтиб олганлигини, бундан ташқари 30 Т 457 DV давлат рақамли Матиз автомашинасини сотилганида мотори қисганлигини айтиб, 200 АҚШ доллари миқдорида пул олганлигини, ҳозирги вақтда Ф.Эгамқулов унга 200 АҚШ доллари 300 АҚШ доллари 1.800 АҚШ доллари, 4.700 АҚШ доллари, яъни жами ҳисобда 7.000 АҚШ доллари миқдорида пул бериши кераклигини, у билан Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Эгамқулов Фазлиддин Хасанович 2025 йил февраль ойида Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги яшаш уйида учрашиб, унга тегишли бўлган “Нексия-3” русумли 30 W 954 GB давлат рақам белгили автомашинасини 7.700 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, бошидан 3.000 АҚШ доллари пулларни бериб, қолган 4.700 АҚШ доллари пулларни 2025 йил апрель ойида беришни ваъда қилиб, “Нексия-3” русумли 30 W 954 GB давлат рақам белгили автомашинани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ваъда қилган муддатда 4.700 АҚШ доллари пулларни қайтариб бермасдан, автомашинани нақд пулга сотиб, қўлга киритган нақд пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборганлигини, шу сабабли Ф.Эгамқуловга нисбатан чора кўриб, пулларини ундириб беришда амалий ёрдам беришни сўраб, жами ҳисобда 7.000 АҚШ доллари пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлигини, унга Эгамқулов Фазлиддин Хасановичдан пулларини олишида амалий ёрдам беришни сўраганлиги ҳақидаги;

- судда сўралган жабрланувчи Раҳмонов Одилжон Абдурасул ўғлининг, у Пайариқ тумани “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан 2019 йилдан буён танишиб қолганлигини, танишишига сабаб у билан автомашин олди-сотди ишларида ҳамкорлик қилганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан мазкур уни фирибгарлик йўли билан алдаганига қадар ҳеч қандай олди-берди муносабати қолмаганлигини, у Самарқанд вилояти Нарпай тумани Мирбозор шаҳарчасидан унга нотаниш фуқародан унга тегишли бўлган Жентра русумли 30 D 162 QV давлат рақам белгили автомашинани 2024 йил апрель ойида сотиб олганлигини ва автомашинани ўзини номига “Генералний” ишончнома қилиб, бошқариб келаётганлигини, ундан Эгамқулов Фазлиддин Хасанович ҳар доим сотиладиган ва арзон бўлган автомашиналарни борлигини сўраб, уларни топиб беришини айтганлигини, шу орқали у 2025 йил апрель ойининг бошида Эгамқулов Фазлиддин Хасанович уни ёнига Қўшрабод туманидаги Зармитан шаҳарчасидаги яшаш уйига бориб, учрашиб у бошқариб келаётган Жентра русумли 30 D 162 QV давлат рақам белгили автомашинани қарзга яъни викупга бўлиб-бўлиб тўлашга сотишини сўраганлигини, у Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан Жентра русумли 30 D 162 QV давлат рақам белгили автомашинани жами бўлиб 10.800 АҚШ долларига сотишга келишганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович унга ўзида 2000 АҚШ доллари пули



борлигини қолган пулни машинани гаровга қўйиб беришини айтганлигини, шу билан Эгамқулов Фазлиддин Хасанович уйига қайтиб кетганлигини, 2025 йил 1 апрелда Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан келишувига кўра, автомашинани ўзини номига Иштихон туманида хусусий нотариус орқали расмийлаштириб олганлигини, чунки автомашина ўзини номида бўлмаса кредит олишни имкони йўқлигини Эгамқулов Фазлиддин Хасанович айтганлигини, нотариусдаги расмийлиштириш пулини Эгамқулов Фазлиддин Хасанович бериши кераклигини ва 6.800.000 сўм тўловларига пул кетганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович ушбу пулларини ўзи чўнтагидан тўлаб берганлигини, 2025 йил 9 апрелда Пайариқ тумани Челақ шаҳри марказида Эгамқулов Фазлиддин Хасанович учрашиб Жентра русумли 30 D 162 QV давлат рақам белгили автомашинани Челақ шаҳрида жойлашган фоизга пул берадиган офисга бориб, гаровга қўйиб, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович турмуш ўртоғини номига кредит расмийлаштирилиб, 55.000.000 сўм пулларни Эгамқулов Фазлиддин Хасанович ўзи қабул қилиб олганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович пулларни сўмда бўлгани учун уни долларга айлантириш учун бозорчага кириб кетганлигини, орадан вақт ўтиб Эгамқулов Фазлиддин Хасанович олдига келганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович унга қўлида 3.500 АҚШ доллари пулларни чиқариб қўлига берганлигини, у Эгамқулов Фазлиддин Хасановичдан пулларни қабул қилмаганлигини, унга пулларни тўлиқ қилиб беришини яъни айтгани ваъдаси бўйича 6.000 АҚШ доллари пулларни беришини сўраганлигини, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович унга баҳона қилиб, пулларни бори 3.500 АҚШ доллари эканини ва қолган пулларни ўзининг қарзларига беришини айтганлигини, у шунда Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан келиша олмаслигини ва нақд пул берса машинани сотишини айтиб, пулларни олиб борса машинани бериб юборишини айтганлигини ва машинани миниб, уйига кетганлигини, кетишидан олдин шу келишувни Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан видео тасвирга олган ҳолда ўзини телефонига қайд этганлигини, аммо Эгамқулов Фазлиддин Хасанович уни алдаб ишончига кириб, автомашинани сотиб олиш мақсади бўлмасдан, унга ушбу автомашинани гаровга қўйиб, дастлабки берилиши керак бўлган 4000 АҚШ доллари учун Челақ шаҳридаги фоизга пул берадиган тадбиркорларга гаровга қўйиб, 55.000.000 сўм пулларни олишини айтиб, ишонтириб, автомашинани гаровга қўйдириб, сўнгра алдаб, 4000 АҚШ доллари пулларни ҳам бермасдан, кредитни ўзини турмуш ўртоғини номига олиб, ҳозирги кунга қадар автомашинамни тақиққа қўйиб, 55.000.000 сўм пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини маълум қилганлигини ва ундан пулларни ундириб беришни ҳамда кредит қарздорлигини сўндириб, автомашинани тақиқдан чиқаришда амалий ёрдам беришни, ва 6.800.000 сўм тўловларига пул кетганлиги, Эгамқулов Фазлиддин Хасанович ушбу пулларни ўзи чўнтагидан тўлаб берганлигини, у шунда Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан келиша олмаслигини ва нақд пул берса машинани сотишини айтиб, пулларни олиб борса машинани бериб юборишини айтиб машинани миниб,



га кетганлигини, кетишидан олдин шу келишувни Эгамқулов Фазлиддин Хасанович билан видео тасвирга олган ҳолда ўзини телефонига қайд

этганлигини, унга Эгамкулов Фазлиддин Хасановичдан пулларини олишида амалий ёрдам беришни сўраганлиги ҳақидаги;

Бундан ташқари, судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ф.Дагаровнинг кўрсатувлари, жиноят ишини кўзғатиш ва иш юритувига қабул қилиш ҳақидаги қарор, жабрланувчиларнинг оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси, ҳолат юзасидан олинган видео тасвири ёзилган ДВД диск, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи Ф.Эгамкуловнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

5-бандида, фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги, ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахсининг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкинлиги;

20-бандида, агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкни олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмаслиги;

23-бандида, хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасановичнинг содир этган жинояти, яъни “..хавфли рецидивист бўлиб, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан



жабрланувчининг мулкани қўлга киритганлик”да ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятда содир этганлигини унинг жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга нисбатан жазо тайинлашда жазо тури ва муддатини белгилашда, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятнинг хусусияти ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-бандидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб қайд этилган қоида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг тушунтиришларига таяниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан жазо тайинлашда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасдан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 7-бандидаги, мулкий зиён судланувчи ва жиноят иши қисми алоҳида юритувга ажратилган бошқа шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолларда суд мулкий зиённи тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини судланувчи зиммасига юклаши, иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганида суд унга мулкий зиённи муқаддам судланган маҳкум билан солидар қоплаш мажбуриятини юклашга ҳақли эканлиги;

10-бандидаги, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкни ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиши лозимлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, 1 АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасига нисбатан қиймати 2026 йил 24 февраль ҳолатида 12.236,13 сўмни ташкил этишини инobatга олиб, судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳисобидан жабрланувчи Дагаров Фаррух Онорбоевич фойдасига етказилган 6500 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 79.534.845 сўм зарарни ва 66.500.000 сўм зарарни жами ҳисобда 146.034.780 сўм зарарни ундиришни ҳамда жабрланувчи Куванов вруз Нарзуллаевич фойдасига етказилган 6200 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 75.864.006 сўм зарарни ундиришни;



Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳисобидан жабрланувчи Раҳмонов Одилжон Абдурасул ўғли фойдасига етказилган 55.000.000 сўм зарарни ундиришни лозим деб топди.

Суд, жабрланувчиларга ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим деб топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, Дагаров Онарбой Давлатович томонидан тақдим қилган тилхат асл нусхаси, Куванов Навруз Нарзуллаевич томонидан тақдим қилинган тилхат асл нусхаси, 3 дона видео тасвирлар ёзилган ДВД диск жиноят иши ҳужжатларига кўшилганлигини инобатга олишни ва жиноят иши билан бирга сақланишини белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович (Egamkulov Fazliddin Hasanovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгилансин.

Жазони ўташ муддати судланувчи қамоққа олинган 2025 йил 22 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Эгамкулов Фазлиддин Хасановичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳисобидан жабрланувчи Дагаров Фаррух Онорбоевич фойдасига 146.034.845 (бир юз қирқ олти миллион ўттиз тўрт минг саккиз юз қирқ беш) сўм зарар ундирилсин.

Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳисобидан жабрланувчи Куванов Навруз Нарзуллаевич фойдасига 75.864.006 (етмиш беш миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг олти) сўм зарар ундирилсин.

Судланувчи Эгамкулов Фазлиддин Хасанович ҳисобидан жабрланувчи Раҳмонов Одилжон Абдурасул ўғли фойдасига 55.000.000 (эллик беш миллион) сўм зарар ундирилсин.

Жабрланувчиларга ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, Дагаров Онарбой Давлатович томонидан тақдим қилган тилхат асл нусхаси, Куванов Навруз Нарзуллаевич томонидан тақдим қилинган тилхат асл нусхаси, 3 дона видео



тасвирлар ёзилган ДВД диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин ва жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Э.Ш.Олмосов

